

Доктор Муҳйиддин Муҳаммад Аввома



14:36 / 11.11.2023 118

Доктор Муҳйиддин Аввома 1976 йили Ҳалаб шаҳрида таваллуд топган. Отаси шайх Муҳаммад Аввома билан Мадинаи мунавварага келганида уч ёшда бўлган. Сўнг Мадинани ватан тутиб, барча таълим босқичларини ўша ерда таҳсил олган.

12 ёшида Қуръонни тўлиқ ёд олиб, олий санад билан ижозага эга бўлган.

Муҳйиддин Аввома ҳадис, фикҳ ва усулул фикҳ бўйича 3 та фан доктори унвонига эга.

Илмда отасининг йўлидан юриб, аввало, қадимий услуб – Қуръони каримни ёдлаш, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак суннатларини ўрганиш ва амал қилиш услубида, сўнг замонавий академик услубда давом эттириб, даврининг етук устоз ва олимларидан ақида, фикҳ, усулул фикҳ, ҳадис ва араб тили каби фанлардан мукамал таълим олди.

Олим қатор илмий муассасалар раиси, таъсисчиси ва аъзоси ҳисобланади. Жумладан, «**Инсониятга хизмат исломий илмий конференция**» си раиси, «**Имом Муҳаммад Қосим Нанутавий халқаро исломий мукофоти**» ташкилоти таъсисчиси ва бош котиби, Малайзияда энг юқори илмий унвон – Малайзия Ислом университети илм курси устози мақоми бўйича падари бузруквори Муҳаммад Аввоманинг ноиби.

Халқаро Ислом фикҳи академияси нашрга тайёрланаётган фикҳий қоидалар энциклопедиясидаги ҳадис ва хабарларнинг таҳрижи ва таҳқиқини ҳам доктор Муҳйиддинга топширган.

Малайзия Ислом университети қошидаги халқаро фатво ва илмий тадқиқотлар кенгашининг собиқ аъзоси.

Туркиянинг Ибн Халдун университети ҳадис ва ҳадис илмлари устози.

«Аввомия» ҳадис маркази таъсисчиси ва раиси. Бу марказнинг дунёнинг 17 мамлакатада шўъбалари бўлиб, ҳадиси шарифларни ўрганиш бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланади.

Исломий илм ва тадқиқотларга ихтисослашган Истанбул «**Дорул ҳадис**» вақфи раиси ва таъсисчиси.

Ақида, тафсир, ҳадис, мусталаҳ, фикҳ, усул, наҳв, шеър, тарих ва тарожим каби фанларга доир қатор китоблар ва рисоалар муаллифи. Баъзи китоб ва рисоалари қатор таълим муассасаларида дарслик ўлароқ ўқув режасига киритилган.

Отаси шайх Муҳаммад Аввомадан 35 йилдан буён фикҳ, ақида, усул, ҳадис каби илмларни олиб келади ва у кишининг кўрсатмасига биноан қатор манҳажий китоблар билан танишиб чиққан. Отасининг қўлида таҳқиқ ва қўлёзмаларни ўрганиш бўйича узоқ йиллар давомида малака ҳосил қилган. Ибн Абу Шайбанинг «**Мусаннаф**» китобини тайёрлашда отаси Муҳаммад Аввоманинг асосий ёрдамчиси бўлган ва шундан кейин амалга оширилган барча илмий лойиҳаларда иштирок этган. Бугунги кунда отаси билан доимо бирга бўлиб, у кишининг илмларини тарғиб этиш ва тарқатиш ишларини давом эттирмоқда.